

2-1-2019

IMPROVING TAX ADMINISTRATION IS A WARRANTY OF PROVIDING STABILITY OF INCOME OF LOCAL BUDGETS

V. Nuritdinova
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Nuritdinova, V. (2019) "IMPROVING TAX ADMINISTRATION IS A WARRANTY OF PROVIDING STABILITY OF INCOME OF LOCAL BUDGETS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Нуритдинова В. - ТМИ,
катта ўқитувчи**

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИДИР

Ушбу мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашда солиқ органларининг бугунги кундаги фаолияти ёритилган. Шунингдек солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджетлар даромад базаси, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳужжатли ва қисқа муддатли текширишлар, солиқ қарзи, солиқ назорати, молиявий санкция.

В данной статье рассмотрены деятельность налоговых органов в укреплении базы доходов местных бюджетов, а также налоговые нарушения.

Ключевые слова: доходная база местных бюджетов, местные налоги и другие обязательные платежи, документальные и краткосрочные исследования, налоговая задолженность, налоговый контроль, финансовые санкции.

This article explores the role of tax agencies on improvements of earnings of endemical budget. In addition, activities about delinquencies against rights of taxation are also depicted.

Key words: the revenue base of local budgets, local budget and other mandatory payments, documentary and short-term research, tax debt, tax control, financial sanctions.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифани амалга ошириш йўлида аниқ таҳлиллар асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Стратегиянинг “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чоратадбирларни рўёбга чиқариш учун харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада

мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”.

Стратегияда белгиланишича мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш, шу орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш ҳолатини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.[3]

Бизга маълумки, маҳаллий бюджетлар Республика бюджетида муҳим таркибий қисмини ташкил этади ва маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият юритишларида молиявий асос бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар фаолияти маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларининг бажарилиши билан узвий боғлиқ ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий бюджетлар минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда асосий манба ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг иқтисодий асоси бўлганлиги туфайли бюджетга қўшимча маблағлар жалб этиш манбаларини излаб топиш ва мавжуд маблағларни самарали сарфланишини таъминлаш орқали бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил бўлиб хизмат қилади. Маҳаллий бюджетлар фаолияти барқарорлигини таъминловчи омил - улар даромад базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар даромади асосан маҳаллий солиқлар, солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таркиб топади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар:

- транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- мол-мулк солиғи; ер солиғи; ягона ер солиғи;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим ҳисобланади.[5]

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 94- моддасига мувофиқ:

маҳаллий бюджетларнинг лойиҳалари даромадлар бўйича - Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ органлари ва ҳокимликларнинг бошқарма ва бўлимлари томонидан маъмурий-ҳудудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг

макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган ахборот ва маълумотлар асосида ишлаб чиқилади.[1]

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг лойиҳасининг ишлаб чиқилишида Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бюджет даромадларининг шаклланишида иштирок этадиган бошқа вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 18.07.2017 йил ПФ-5116 сонли фармон қабул қилинди.[4] Фармонда таъкидланишича, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

- солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти;

- солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукамал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтирмоқда;

- солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имкониятини бермаяпти,

- бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаган маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш талаб этилади.

Ҳозирги кунда солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ундирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши юқориликча қолмоқда. Буларнинг сақланиб қолаётгани, ҳали солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти, уларнинг маънавий савияси талаб

даражасида етарли эмаслигидан дарак беради. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида ҳар куни ўнлаб қонунбузарликлар аниқланмоқда. Улар томонидан олиб борилган солиқ назорати натижасида бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича бир қанча ҳолатларни кўриб чиқамиз.

2016 йилда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган камерал назорат натижасида 166528 та солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларида хатоликлар аниқланиб, давлат бюджетига қўшимча 693, 2 млрд. сўм маблағ ундирилди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган ҳужжатли ва қисқа муддатли текширишларда қўшимча аниқланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ҳисобидан 656,8 млрд. сўм бюджетга қўшимча маблағлар ундирилди.

Солиқ кодексининг 20-моддасига мувофиқ, солиқ қарзи - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексига белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялардан иборат.[2]

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига солиқ тўловчиларнинг жами солиқ қарзи 9299,5 млрд.сўмни ташкил этади.[6]

Шундан, фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг солиқ қарзи 8204,2 млрд.сўмни;

-фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг солиқ қарзи 1095,3 млрд.сўмни ташкил этади.

Жами солиқ қарзининг Қашқадарё вилоятига 27,3 фоизи, Тошкент шаҳрига 22,7 фоизи, Бухоро вилоятига 7,6 фоизи, Тошкент вилоятига 7,5 фоизи ва Фарғона вилоятига 6,6 фоизи тўғри келади.

Солиқ қарзининг 7905,6 млрд.сўми ёки 85 фоизи мониторингга олинган вазирликларга ва 1323,1 млрд. сўми ёки 14,2 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади.

Солиқ кодексининг 62-моддасига мувофиқ, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб варақларидан сўзсиз ундириш, ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ҳисобдан ундириш ва ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш киради.(1-жадвал)

Ўтган 2016 йил давомида:

-солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларидан инкасса тўлов топшириқномалари орқали 1 356, 3 млрд.сўм;

-солиқ тўловчининг дебиторлик қарздорлари ҳисобидан 2 819,7 млрд.сўм;

-суд қарорларининг ижроси бўйича 3678,3 млрд.сўм давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига маблағ ундирилган.

1-жадвал

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари натижалари

№	Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари	2016 йил, (млрд.сўмда)
1.	Солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларидан инкасса тўлов топшириқномалари орқали	1 356,3
2.	Солиқ тўловчининг дебиторлик қарздорлари ҳисобидан	2 819,7
3.	Суд қарорларининг ижроси бўйича	3678,3

Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг йиллик ҳисоботи материаллари.

Солиқ бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган концепциясидан келиб чиқиб, солиқ қарздорлигини бартараф этиш борасида солиқ қонунчилигига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

-Солиқ кодексининг 59 ва 61-моддаларига киритилган ўзгартиришларга асосан, солиқ қарзи тўлов муддати ўтган пайтдан бир йил мобайнида ундирилмаган бўлса, солиқ қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳолларда ҳам ундирувини мол-мулкка қаратилиши белгиланди;

-Солиқ кодексининг 63-моддасига киритилган ўзгартиш билан, солиқ мажбуриятларини бажарилиши бўйича юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ягона талаб ўрнатилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этилиши белгиланди;

Юридик шахснинг мустақил солиқ тўловчиси бўлмаган алоҳида бўлинмаси учун мол-мулк, ер, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлайдиган солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларини мустақил юридик шахс томонидан тўлаш тартиби белгиланди.

Солиқ кодексининг 30-моддасида мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 281-сонли қарори билан имтиёзлар бериш тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Лекин ўтган 5 йил давомида мазкур республикамиздаги бирорта туман ёки шаҳар ҳокими томонидан бирорта солиқ тўловчига солиқ имтиёзлари берилмаган.

Солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишдаги бир қатор муаммолар мавжудлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора -тадбирлари тўғрисида” ги

18.07.2017 йил ПФ- 5116 сонли фармонга асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари этиб белгиланди:

-солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

-фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб китоблар механизминини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

-солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш.

Фармон билан солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли - солиқ мониторинги жорий этилмоқда.

Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга ошириш юклатилмоқда.

Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчиларга- солиқ таътиллари бериш тарзида давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг янги шакли назарда тутилмоқда.

Ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилмоқда.

Бундан ташқари Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат- касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма- босқич киритилади.

Юқоридаги белгиланган устувор йўналишлар ва чора-тадбирлардан келиб чиқиб маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ назоратининг аҳамиятини ошириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

- солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

- янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, ишламаётган, иқтисодий ночор корхоналарни фаолиятини қайта тиклаш орқали маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш;

- республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг кўшимча захираларини аниқлаш;

- солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёزلарни муддати тугагини ҳисобга олиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кундаги молиявий сиёсат, юқоридаги каби фармонларнинг қабул қилиниши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса шубҳасиз маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2008 йил 26 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 7.02.2017 йил ПФ-4947 сонли фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора -тадбирлари тўғрисида” ги 18.07.2017 йил ПФ-5116 сонли фармони
5. Қосимова Г.А., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2012. 260 б.